


# Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг энг кам пенсия миқдори 2,5 миллион сўм этиб белгиланди



Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг энг кам пенсия миқдори 2,5 миллион сўм этиб белгиланди

"Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент [Фармони](#) қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2021 йил 10 майдан бошлаб 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – 2,5 миллион сўм этиб белгиланди.